

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11399570>

Халилова Шоҳсанам Ғайрат қизи  
ТДИУ, «Бюджет ҳисоби ва газначилик иши»  
кафедраси катта ўқитувчisi

**Аннотация.** Уибу тезисда мактабгача таълим тизимини янада тақомиллаштириш, болаларнинг сифатли мактабгача таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш, мактабгача таълим хизматларининг нодавлат секторини ривожлантириши мақсадида олиб борилаётган таҳлиллар, болаларнинг мактабгача таълим билан қамровини таъминлаш шунингдек қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилишини механизми ёритилган.

**Калим сўзлар:** Давлат-хусусий шериклик, давлат бюджети, методист, дефектолог, инновацион.

Мана икки йилдирки, Ўзбекистон ҳукумати ижтимоий муҳим инфратузилма лойихаларини амалга оширишга хусусий секторни жалб қилиш бўйича фаол ҳаракат қилиб келмоқда. Ҳокимият ва бизнес ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг замонавий шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш давлат бошқарувида 2017 йилда бошланган ислоҳотларнинг бир қисмидир. Ушбу вақт давомида ҳукумат мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш ва коммунал хўжалик каби соҳаларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқди.

Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишини таъминлаш, давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш, мавжуд ижтимоий инфратузилмани шакллантиришга, тиклашга, ундан фойдаланишга, уни сақлашга кўмаклашиш, ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва улардан эркин фойдаланишини кенгайтириш, хусусий секторнинг молиявий маблағларини, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этишини таъминлайдиган шарт-шароитлар

яратиш, давлат-хусусий шерикликнинг институционал-хуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, замонавий услублар ва технологияларни жорий этилишини таъкидлаш жоиздир[1].

Маълумки, мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич бўғини бўлиб, боланинг соғлом ва ривожланган эркин шахсиятини - шакллантириш, қобилиятларини очиб бериш ҳамда билим олишга интилишни ривожлантириш каби мақсадлар йўлида иш олиб боради. Вазирлик фаолияти йўлга қўйилгандан сўнг тизимни самарали ташкил этиш мақсадида 76 та норматив-хуқуқий хужжат, Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди. Булар жумласига учта қонун, иккита Президент фармони, ўн олтита Президент қарори, 34 та Вазирлар Маҳкамаси қарори, 5 та Вазирлар Маҳкамаси фармойиши, 9 та идоравий ва 7 та бошқа норматив-хуқуқий хужжат киради. Халқни рози қилиш ҳамда уларнинг хоҳиш-истакларини амалга оширишда катта қадамлар ташланди. Хусусан, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, боланинг интеллектуал шахсини шакллантириш, таълим хизматларини яратиш орқали сифат даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани соҳадаги изчил ислоҳотлар натижасидир[2].

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларнинг сифатли мактабгача таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш, мактабгача таълим хизматларининг нодавлат секторини ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган таҳлиллар, болаларнинг мактабгача таълим билан қамровини таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик материаллар ва бадиий адабиётлар билан тўлдириш, соҳага малакали педагог ва бошқарув кадрларини жалб қилиш масалаларини ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда[3].

Соҳадаги шу ва шу каби масалалар юзасидан норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини

янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳаси жойлаштирилди.

Хужжатга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сон қарорига мувофиқ давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил қилинадиган нодавлат мактабгача таълим муассасалари, муассасасининг раҳбарлари, методистлари, тарбиячилари, дефектологлари, психологлари, мусиқа ходимлари иш ҳақига сарфланадиган харажатларни қоплаш учун давлат мактабгача таълим муассасалари учун белгиланган шартларда қўшимча бюджет субсидиялари олиш хуқуқига эга.

Ушбу масалаларнинг ечими ўлароқ, Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фаолият юритадиган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг айрим ходимлари иш ҳақига сарфланадиган харажатларни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида низом тасдиqlаниши кўзда тутилган.

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларнинг сифатли мактабгача таълимдан teng фойдаланишини таъминлаш, мактабгача таълим хизматларининг нодавлат секторини ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 30 сентябрида «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, мактабгача таълим соҳасидаги норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштириш, мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шартшароитлар яратиш, мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шартшароитлар яратиш, болаларнинг сифатли мактабгача таълим билан қамровини ошириш, ундан teng фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, мазкур соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, мактабгача таълим тизимиға

илғор педагогик ва инновацион технологияларни жорий этиш каби мухум вазифалар ижросини қамраб олади.

Бугунги қунда қонун чиқарувчи органлар томонидан мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш, ўқув жараёнида инновацион педагогик технологияларни, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, уларни ўқув-услубий, дидактик материаллар билан таъминлаш ҳамда педагог ходимларнинг малакасини ошириш бўйича мухим мақсад ва вазифаларни бажариб келмоқда. Шунингдек, мазкур соҳада мавжуд бўлган хизматларни кўрсатища мослашувчанликни таъминлаш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида, мактабгача таълимнинг турли хил муқобил шаклларини жорий этиш бўйича самарали ишлар олиб бормоқда.

Мухим ўзгаришлардан яна бири шундаки, давлат-хусусий шериклик доирасида оиласиб боғчалар шаклида ўқитишининг муқобил модели амалга оширилди. Бутун республика бўйлаб мактабгача таълим ташкилотларига қисқа муддатли яъни, тўлиқ кунли бўлмаган групкалар каби таълимнинг муқобил шакли жорий этилиши кўзда тутилган[4].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад асосий мақсад мактабгача таълим тизимини ривожлантириш. Мактабгача таълим сифатини ошириш комплекс ёндашувни, яъни хуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа жиҳатларни ўз ичига оловчи давлат сиёсати юритилишини талаб этади. Бунда, хуқуқий чоралар давлат сиёсатига тамал тоши бўлиб хизмат қиласи. Бинобарин узлуксиз таълим тизимининг конституциявий кафолатлари соҳада амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни бажаришга имкон беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Давлат хусусий шериклик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2019 йил 10 май. ЎРҚ-537-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ти қарори. ПҚ-4312 08.05.2019 й.

3. Баходиржон Онорбоев, Мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари. Мактабгача таълим: имкониятдан масъулиятгача... 30.09.2021 Ишонч.уз. интернет сайти.
4. Ўзбекистон Республикаси “Мактабгача таълим вазирлиги” расмий сайти.

